

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ БИЛИШ МАМЛАКАТ РАВНАҚИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛДИР

Зойирова Дилсўз Абдижалиловна

ТДЮ, Хорижий тиллар доцент в.б.

dzoyirova@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15106458>

Бугунги кунда ҳар бир инсоннинг хорижий тилларни билиши муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади. Дунё тобора глобаллашиб бораётгани, ҳар бир соҳа давр талабларига мос равишда ривожланиб, тезкор тус олаётгани кўп тиллиликни тақозо этаётир. Икки тилни билиш шунчаки қизиқиш эмас, балки замон талаби бўлиб бормоқда.

Хорижий тилларни ўрганиш — бошқалар билан қандай қилиб чинакам мулоқот қилиш ва улар билан боғланишни ўрганишга қаратилган ҳаётий кўникма.

Ҳар қандай соҳа ривожиди, хорижий тажриба ва янгиликларни ўрганишда, мамлакатга инновация ва инвестициялар олиб киришда, янги ғоялар ва технологияларни ўзлаштиришда, албатта, тил билиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Хорижий тилларни пухта билиш нафақат мамлакат иқтисодий ҳаётида, балки, ижтимоий-маданий йўналишдаги жараёнлар, ўзаро алоқаларда ҳам муҳим ўрин тутди. Маданий интеграция жараёнларида ривожланган мамлакатларнинг маданий ўзига хослигини яхши тушуниш ва муносибларини ўзлаштиришда, илмий ва ижодий фаолиятларда ўзаро тажриба алмашишда кўп тиллилик ўз сўзини айтади.¹

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатишни таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ушбу йўналишда таълим сифатини тубдан ошириш, соҳага малакали педагогларни жалб этиш ҳамда аҳолининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз томонидан 2021 йил 19 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда хорижий тилларга ўқитиш сифатини ошириш борасида қатор вазифалар белгиланди.

Хусусан, мазкур ҳужжатга асосан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон

¹ Everson, M. E. (1998). Word recognition among learners of Chinese as a foreign language: Investigating the relationship between naming and knowing. *The Modern Language Journal*, 82(2), 194-204.

Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий вакиллари лавозимлари ташкил этилди.

Ушбу агентликнинг асосий вазифалари сифатида аҳоли орасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш ва уларни мукаммал ўзлаштириш учун зарур шароитлар яратиш, хорижий тилларни ўқитишнинг халқаро тан олинган дастур ва дарсликлари таълимнинг барча босқичларида жорий этилишини мувофиқлаштириш ҳамда ўқитувчиларда замонавий ўқитиш кўникмаларини ривожлантириш, ҳудудлар, тармоқлар ва таълим муассасаларининг хорижий тилларни ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёжларини таҳлил қилиш натижалари асосида талаб юқори бўлган хорижий тилларни ўқитишни ташкиллаштириш кабилар белгиланди.

Бундан ташқари, хорижий тилларни ўқитиш соҳасида "боғча-мактаб-олий таълим ташкилоти-корхона" тамойилидаги узлуксиз таълим занжирини жорий этиш мақсадида аҳолининг барча қатламларига мос бўлган тилни ўрганиш бўйича услубиёт ва тавсияларни ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш вазифалари юклатилди.

Таъкидлаш жоизки, хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши, халқаро тажриба ва замонавий методларни оммалаштириш, барча соҳа ходимларининг хорижий тилларни билиш салоҳиятини юксалтириш, шунингдек, ўқув муассасаларида хорижий тилларни ўрганишга йўналтирилган узлуксиз таълимни кенг жорий қилиш тил билиш соҳасидаги ишлар самарадорлигини таъминлайди.²

Бу борада нафақат марказ, балки ҳудудларда ҳам аҳоли вакиллари, ёшларга тил ўрганиш имкониятларини кенгайтириш лозим. Шу ўринда қайд этиш керакки, 2021 йил 6 май куни Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлат раҳбари вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳудудларда чет тилларини ўргатиш муҳитини шакллантириш, бунга ташкилий ва молиявий шароит яратишга шахсан масъул бўлишини алоҳида таъкидлаган эди.³

Дарҳақиқат, бугун ривожланиш, ҳар соҳада тараққий этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш каби юксак мақсадлар сари интилар эканмиз, хорижий тилларни пухта эгаллаган кадрлар сонини кўпайтириш зарур ва шарт бўлади.

² Reagan, T. (2002). "Knowing" and "Learning" a Foreign Language: Epistemological Reflections. The future of foreign language education in the United States, 45.

³ Klein, W. (1981). Knowing a language and knowing to communicate: A case study in foreign workers' communication. In Language problems of minority groups (pp. 75-95). Tilburg University.

Чунки кун сайин илдамлаб бораётган дунё саҳнидаги илғор ғояларни, янги технологиялар ва билимларни эгаллаш ҳамда юртимизда татбиқ этиш имкониятига фақатгина тил билиш орқали эга бўлишимиз мумкин.

Шундай экан, дунёда самарали натижа берган ўқитиш методикалари, дастур ва дарсликларни боғча, мактаб, лицей, олийгоҳ ва ўқув марказларида жорий этиб, хорижий тилларни мукамал ўзлаштиришга ҳаракат қилмоғимиз лозим. Бунинг учун эса биз соҳа вакиллари пешқадам бўлган ҳолда барча соҳада хорижий тилларни пухта биладиган кадрларни тайёрлашимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Everson, M. E. (1998). Word recognition among learners of Chinese as a foreign language: Investigating the relationship between naming and knowing. *The Modern Language Journal*, 82(2), 194-204.
2. Reagan, T. (2002). “Knowing” and “Learning” a Foreign Language: Epistemological Reflections. *The future of foreign language education in the United States*, 45.
3. Klein, W. (1981). Knowing a language and knowing to communicate: A case study in foreign workers' communication. In *Language problems of minority groups* (pp. 75-95). Tilburg University.